

МУСИҚА ТАЪЛИМИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ТЕХНИК ВОСИТАЛАР ЁРДАМИДА ИЖРОЧИЛИК ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.

ЖВХТХҚТМОИ ўқитувчилари Г.Сиддиқова, Р. Эгамбердиев

Янги техника ва технологиялар шиддат билан ривожланиб бораётган компютер асримизда, замонавий компютерлар ишлаб чиқарилиши билан бир қаторда, таълим соҳасида ҳам жуда катта имкониятларига эришилди.

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиқиб уларнинг кўшиқ айтиб, куй чалишида умумий ва муסיқавий ривожланишларида техник воситаларнинг ўрни ниҳоятда катта. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг “ижрочилиги” ни шакллантиришда нималарга амал қилмоғи лозим? -деган саволлар муסיқа ўқитувчисидан ўз ишига доимий ҳаракат , интилиш , ижодий фаолият ва танқидий муносабатда бўлишни талаб қилади. Маълумки ўқувчиларда муסיқий маданиятни шакллантириш бўйича кўплаб назарий ва амалий – услубий характердаги тадқиқотлар олиб борилган.

Миллий дастурнинг иккинчи сифат босқичида “Таълим муассасаларининг моддий техника ва ахборот базасини мустаҳкамлаш давом эттирилиб, ўқув жараёни юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминланди. Узлуксиз таълим тизимини ахборотлаштириш амалга оширилди.” деб белгилаб қўйилган. Ушбу муаммонинг ниҳоятда долзарблиги Президентимизнинг “Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш” тўғрисидаги Фармонларида ўз аксини топган. Ушбу Фармонда “Мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртларининг таълим жараёнида замонавий компютер ва ахборот технологияларини эгаллашга, ҳамда уларни фаол қўлланишга асосланган илғор таълим тизимларини киритиш” белгилаб қўйилган.

Ҳозирда таълим муассасалари замонавий компютер ва телекоммуникация технологиялари билан жиҳозланмоқда. Таълим мазмуни ва сифати масалалари жамиятда устувор йўналишлардан бири сифатида кўрилмоқда. Таълимни

ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш йўллари изланмоқда, таълимда янги ахборот технологияларининг жорий этиш масаласи оммалашмоқда. Бу эса, педагогларнинг ўз фаолиятига янгича ёндошувни талаб этади. Ўқув жараёнида янги технологияларнинг жорий этилиши, ўқитувчини техникавий воситалар томонидан сиқиб чиқаришга эмас, балки ўқитувчининг ўз олдидаги вазифаларини чуқурроқ хис қилиб, жиддий ёндашувга қаратилган.

Замонавий ўқитувчи келажак бунёдкоридир. Шу билан бирга таълим ислохотининг бош ижроси ҳамдир. Бунда ҳар бир ўқитувчини қисқа вақт ичида жуда катта миқдордаги ахборот тўпламини ўзлаштириш, қайта ишлаш ва амалда қўллай олишга ўргатиш муҳим аҳамиятга эга. Буни ҳал этишда ўқитувчига ўқитишнинг анъанавий усуллари билан бирга замонавий ахборот технологиялари, жумладан компьютердан фойдаланиш ёрдам беради. Дарсда компьютердан фойдаланиш ўқитиш жараёнини қизиқарли олиб бориш, ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндошиш имконини беради.

Ахборот коммуникация технологиялари орқали ўқувчилар дарсларда жуда кўп маълумотларга эга бўлишлари мумкин. Жумладан, барча фанлар қатори мусиқа фанларида ҳам ҳар бир мавзу бўйича фан ўқитувчиси томонидан алоҳида дарс ишланмаси, технологик харитаси ишлаб чиқилиши лозим. Дарс ишланмасига слайдлар тайёрланиб, видеопроекторлар орқали ўқувчиларга тушинтирилса мақсадга мувофиқ бўлади. Ўргатилаётган қўшиқлар матни электрон доскаларда ёки видеопроекторлар орқали қўйилса, унинг сўзлари мусиқа ҳамоманглигида (караоки) яъни ёзув доскасида ўтказилиб, ўқувчилар куйласалар, шу билан бирга назарий сабоқ электрон экранда кўрсатилиб тушунчалар берилса, болалардаги билим ва малака янада бойитилади, фанга бўлган қизиқиш янада ортади, эшитиш қобилиятлари ўсади.

Мусиқа дарсларида ўргатилган қўшиқлар микрофон орқали ижро этириш ҳам яхши самара беради. Болалар билан ишлашда техник воситалардан фойдаланишнинг аҳамияти катта, бироқ ўқитувчидан ниҳоятда эҳтиёткорликни талаб этади. Бола ўсиш ёшида эшитиш аппарати яъни қулоқлари ниҳоятда тез ва таъсирчанлигини, илғаб олиш хусусиятини инобатга олган ҳолда овозни жуда паст ва шовқинсиз эшитишини ўргатиб бориш ва амалда қўллашда эътиборни

кучайтириш зарур. Ҳозирги эшитиш воситаларининг ҳажм жиҳатдан катта ва ниҳоятда кичиклиги инобатга олиниб, унинг заралари ҳақида ва жиддий асоратлар келтириб чиқариши ҳақида ҳам ўқитувчи тушинтириш ишларини олиб бормоқ лозим.

Айниқса мактаб ёшдаги ўқувчилар билан ишлашда ўқувчининг ёш хусусиятини ҳисобга олган ҳолда унинг мусиқий ритм ҳиссини ривожлантириш, эшитиш қобилиятини ўстириш, тинглаш ва чалиш маҳоратини кузатиш, ўргатилаётган кўшиқ куйига мос ҳатти-ҳаракатлар бажартириш, ўз устида ишлаш, алоҳида маҳорат ва билим талаб этади.

Болаларга куй кўшиқ ўргатганда, уларнинг талаффузига яъни кўшиқ сўзларини интонациясига алоҳида эътибор қаратилиши керак. Бола кўшиқни жонли ижро этганда ёки микрофонда грамм ёзувда ўз ижросини эшитганда, нафасни бир маромда олиш, овозда титираш, айрим сўзлардаги бўғинларни нотўғри талаффуз қилиш каби камчиликларни эшитади ва ўз устида мустақил ишлашга интилади. Агар болага ўқитувчи ўргатса-ю, ўзи мустақил ўз устида ишламаса ўргатилаётган асар чиройли чиқмаслигига ва аниқ мақсадга эриша олмаслиги муқаррар.

Ҳозирги пайтда ижодий қобилиятларни ривожлантириш масаласи мусиқавий педагогиканинг муҳим муаммоларидан бирига айланди. Бироқ мусиқа ўқитувчилари фаолиятининг таҳлили бу ишда қатор муаммолар борлигини кўрсатмоқда. Мактабда мусиқа студияларини ташкил этиш ва унда жонли ижро орқали иш олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Мусиқа студияларида мусиқавий идрокни ривожлантиришнинг аҳамияти катта, чунки студияларнинг асосий вазифаси ўқувчиларни мусиқани тушуниш ва севишга ўргатишдир.

Шу тарздаги фикрлар ўрганилса, болалар томонидан яратилган ҳар бир маҳсулот педагоглар томонидан таклиф қилинган куйидаги алоҳида йўллар орқали таҳлил этилди:

а) ижрода мусиқанинг характерини очиб беришга эришилдими?

б) ижродан кўзда тутилган режа бўйича нималар қилинди?

в) қандай камчиликларни қайд қилиш мумкин ва уларни қандай бартараф қилиш мумкин?

г) қўшиқнинг бадиий матнини тингловчиларга этказа олиними?

Саволлардан ўқув жараёнининг ёналиши сезилиб туради. чунки асар устида ишлаш жараёнида унинг характери, ижро режаси, таҳлил қилинди. Ўрганиш жараёнида мусиканинг ифода воситаларини мураккаблаша бориши таъминланди.

Ҳозирги замон мусиқа ўқитувчиси изланувчан, АКТ воситаларидан фойдалана оладиган, болаларни эстетик тарбияга етакловчи, уларни исатеъдодини кўра оладиган, психолог, болалардаги мусиқий қобилият ва кўникмаларни ривожлантириб, нафақат мусиқа тинглашни балки ҳиссиёт билан уни қабул этишни ва уларни ифодали ижро этиш қобилиятига ҳам эга бўлиши керак.

Мусиқа дарсларида интернет тармоғидан фойдаланиш ҳам ҳозирги замонавий талаблардан биридир. Бунда ўқитувчи турли давлатлардаги мусиқа дарс жараёнларини кузатиши, уларнинг дарс ўтиш усуллари, техник воситалардан фойдаланиш, турли давлатларнинг миллий қўшиқларидан намуналар келтириш, уларни таққослаш, фарқлаш ва зарур жиҳатларини ўрганиш ҳам дарс жараёнини қизиқарли ва ранг-баранг бўлишини таъминлайди . Техника асрида яшар эканмиз замонавий куй-қўшиқларини яратиш билан бирга, уни тинглашга ўргатади балки замонавий техника воситаларидан кенг ва самарали фойдаланиб, ўқувчиларни эшитиш қобилиятларини ўстиради, ўз навбатида болаларнинг вокал-хор малакаларни эгаллашларига ишончли пойдевор бўлиб хизмат қилади.